



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 апрел, шанба №53 (885)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Истиқлол берган имкон

РЕСПУБЛИКАДА ЯҒОНА



Шеробод туманидаги Хўжайкон очик турдаги туз ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамияти республикамизда яғонадир. Унинг ташкил этилганига 20 йил тўлди. Шу вақт давомида корхона жомаси беш миллион тоннадан ортиқ техник туз ва 450 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарди.

Хиссасдорлик жамиятида баъзи жараёнлар замонавий ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Маъмурият касабаси уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларга қулай иш шaroитларини яратиш, меҳнатни кадрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя масалаларига катта эътибор берилмоқда. Омилкор, ташаббускор кишилар

моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Бу корхонадаги соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш имконини

берапти.

Утган йили корхона истеъмолчиларга 17.700 тонна ош тузи ва 50 минг тонна техник туз етказиб берди. Бу йилги режалар янада

улкан. Мақсадга эришишда янги ускуналар, технологиянинг жорий этилиши кўл келмоқда. Айни пайтда бу ерда 850 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Хар бир

меҳнатчининг ўртача иш ҳақи 10 минг сўмни ташкил этапти. Инок жамоа ўз зарбдорларига эга. Моҳир экскаваторчилар Азим Жўраев, Боймурод Бозоровлар топшириқни аъло даражада бажармоқдалар. Туз кони карьеры бошлиғи Камол Файзиевни ёшлар мурабийси, моҳир ташкилотчи сифатида алоҳида кадрлашади. У бригада бошлиғи Муҳиддин Бобонизов билан кўпгина хайрли ишларга бoш-қoш бўлмоқда. Кадоқловчилар Дилшоҳ Тўлақова ва Зухра Раимқулвалар эса (суратда) ишни сифатли бажаришда ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Ҳамжихатлик, масъулиятни чуқур ҳис этиш ютуқлар омили бўлмоқда.

Искандар ХўЖАЕВ (Ў.А) олган сурат.

АДИБЛАР ХОТИРАСИНИ ЁДЛАБ

Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмасида ҳам 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига катта тайёргарлик қилинмоқда.

Бу санани муносиб кўтиб олиш мақсадида аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқдик, - дейди Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлғабеган Қайбергенов. - Режага биноан урушда шайхид кетган ҳамда ҳаёдан бевақт кўз юмган барча марҳум адиблар хотираси ёд айланади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорига биноан Аяпбергана Мусаев, Солиқ Нурумбетов, Жулмура Айтмураев, Сапар Хўжайиёзов, Аденбой Тоқимуротов каби таниқли ёзувчи ва шоирларнинг юбилейлари ўтказилади. Хозирда маҳаллий ахборот воситаларида «Едно» руқни остида уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида материаллар бериб борилмоқда, асарлари чоп этилмоқда.

Эътироф

ЭРИК ГАМРАТ:

ЮРТИНГИЗ МАФТУНИМАН

Ўзбекистон касабаси уюшмалари ўз фаолиятларини замон талабига монанд равишда тақомиллаштириб боришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада хориждаги ҳамкасблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилтиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хозирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси жаҳоннинг элликдан ортиқ касабаси уюшмалари марказлари, жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида Дания мамлақати алоҳида ўрин тутди. Яқинда Дания давлат, ҳусусий масалалар хизматчилари, тиббиёт, савдо ҳодимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшмаси вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрди. Республика касабаси уюшмалари Федерациясида бўлиб ўтган давра суҳбатларида ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш, илгор иш усуллари ҳамда ечимини қўлга олиш баъзи муаммолар хусусида атрофлича гап борди.

Федерация Кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова меҳнатчиларга мамлакатимизда шақлантириш шaroитида касабаси уюшмалари амалга ошираётган кенг қўламли ишлар, энг омивий жомат ташкилотининг ҳаётида тулган ўрни ва роли, касабаси уюшмалари Федерациясининг яқинда бўлиб ўтган III курултойи яқунлари, анжуманда муҳокама қилинган долзарб масалалар, галдаги вазифалар хусусида атрофлича ҳикоя қилиб берди.

— Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ҳар томонлама гуллаб-яшнаётганлигини эшитганим, - дея фикрдан ифодалади делегация раҳбари, НК касабаси уюшмасининг Рандер шаҳар кўмитаси раиси Эрик Гамрат. — Юртингизга келиб бунга яна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдим. Тошкентнинг гўзал қиёфаси, одамларнинг самимийлиги, серкуёш дивер меваларининг тотлиги бизни хайратга солди. Юртингизга мафтун бўлдим! Кучли салоятли эгаси, ўз халқининг ҳақиқий меҳрибон бўлиши Исрол Каримов бошчилигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонларварлик сийбаси оддий кишилар томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганлиги бизни ҳам гоят қувонтирди. Меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим борасидаги ўта муҳим ишларни табриклаш керак. Бу каби омиллар мустақил Ўзбекистонда бозор муаммолари муваффақиятли енгиб ўтилишида беқийс аҳамият касб этаётганли-

гини яхши тушунаман. Яна эътиборимизни тортган нарсаси шу бўлдики, Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг фаолият доирасига соғломлаштириш масалалари билан шуғулланиш ҳам кирар экан. Ҳисобот даврида бу борада эътиборга сазовор ишлар амалга оширилибди. Мақсададим бир-биримиздан ўрганиб, бир-биримизга ўргатиб, меҳнатқашлар мандатига муносиб хизмат қилишди.

Даниялик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Меҳнат вазирида бўлиб, унинг фаолият доираси билан яқиндан танишдилар ва пировад натижада ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган етарли имкониятлар маъвудлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Ўйлош Охунбоев номидаги тиббиёт лицейида бўлиб ўтган қизқарик учрашув меҳмонларда, айтникса яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистонда ёш авлодини барқамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар данияликлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Бугунги кунда касабаси уюшма етакчиси ижтимоий бошқарув масалаларини яхши тушунадиган, иктисодиёт, социология, бошқарув, конунилик соҳаларини чуқур ўзлаштирган мухтассис бўлиши керак. Мақсадга эришишда чет эл касабаси уюшмалари билан ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди.

М.ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Шу сонга хабарлар ДEXҚОН-ФЕРМЕРЛАР КАСАБА УЮШМАСИ

Хоразимда дехқон-фермерлик ҳаракати тобора ривожланиб, маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш кўпайиб бормоқда. Бироқ шартномаларни имзолаш, фермер хўжалиқларининг ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш, маҳсулотларини сотиш жараёнида, меҳнатни муҳофаза қилишда, даволаниш ва дам олишни ташкил этишда айрим муаммолар, тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Шулар ҳисобга олиниб, вилоятда дехқон-фермерлар касабаси уюшма кўмиталарини ташкил қилишга киришилганди. Яқинда Богот туманида ана шундай кўмитанинг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман агроноот мажмуи ҳодимлари дехқон-фермерлар касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси ва 9 нафар аъзолари сайланди.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Яқинда Соғлом авлод йули муносабати билан Қўшқўйр тумани болалар шифохонасида 10 ўринга мўлжалланган шoшилчин тиббий ёрдам бўлими ишга туширилди. Шу муносабат билан шифокорлар сони оширилди, дори-дармонлар биринчи навбатда шу бўлимга бериладиган бўлди.

Бўлимда шoшилчин ёрдамга муҳтож бемор болаларга, жумладан, юрак касалликлари, нафас йўллари шoмоллашлар, беҳушлик ҳолатидаги ва бошқа хил беморларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Бўлим жоматчилик кўмагида ташкил қилинган бўлиб, унга тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги, пахта тозалаш заводи, «Қодирбергана» фермер хўжалиги ўз хўсаларини қўшдилар. Бўлимда маънавий ва маърифат ҳонаси учун алоҳида жой ажратилди.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Долзарб мавзу

Хар бир инсон, айтникса, ёшлар ўқиш ва меҳнатдан сўнг бўш вақтларини мароқли ўтказишни орзу қилишади. Клуб, кинотеатр, турли тўғарақлар намунали ишлаб турса, кўпчилик спорт билан ошно бўлса қандай яхши. Бу йилги ва кизларни барқамол, мард, асл ватанпарварлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, бекорчиликка чек қўйиш, кичик корхоналар барпо этиб, хизмат соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринларини кўпайтириш ҳам шу куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Тошкент вилоят касабаси уюшмалари кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг меҳнат, иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ўзаро ҳамкорликда бу борада муайян ишларни амалга оширидилар. Вилоятдаги 658 та корхона ва ташкилотларга 10.150 нафар киши, асосан ёшлар ишга жойлаштирилди. Умуман, 27.410 та янги иш ўринлари яратилди.

Бироқ, умумий аҳвол каноатланарли эмас. Ханузгача иш ахтариб юрганлар каммас. Кўп жойларда қишлоқ оқшомлари зерикари ўтади. Тошкент ГРЭСига қарашли «Энергетика», Бекободдаги «Цементчи», «Металлург», Олмаликдаги «Кимёгар», Қуйи Чирчиқ туманидаги Отажонов номи хўжалик клубларида маданий



ЁШЛАР БЎШ ВАҚТНИ ҚАЕРДА ЎТКАЗИШСИН

нинг аксарияти деярли таъмирланмапти, кутубхоналар ночор биноларга жойлаштирилган. Хатто тўғарақ машгулотларини ўтказиш учун шарт-шaroит йўқ. Натижада тўғарақлар сони вилоятда ўтган йили 103 тага камайиб кетди. Аҳолини кўра билат туриб касабаси уюшмалари бунга урмасди. Зият масканлари ишини яхшилаш ҳақида кўп гаплар бўлади, тадбирлар белгиланади. Бироқ улар амалий ишлар билан мустаҳкамланмаганлиги боис бажари-

рилмай қoғoзда қолиб кетмоқда.

Шу ўринда яна кутубхона масаласига қайтайлик. Кейинги вақтларда янги адабиётлар келтириш камайиб кетди. Чунки ўтган йили вилоят бўйича хар бир кутубхонага ўрта ҳисобда 70 данадан китоб олинган бўлса, бу кўрсаткич Оққўрғонда 10, Паркентда 13, Чинозда эса 22 данага тўғри келганлиги ҳақи ривашида эътироз уйғотди.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ёшлар ҳаётида қанчалик муҳим рол ўйнаши барчага маълум. Вилоятда 36 та стадион, 545 спорт зали, 570 та футбол майдонлари йилги ва кизлар ихтиёрида.

Темир ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ферлар синиб, чакка ўтмоқда, деразаларнинг ойналари синган. Яқин ўртада бу ерга бирон киши кадам ранжидан қилмаган кўринади. Пскент ва Янгийўл туманларида борйўғи биттадан стадион бўлса-да, улар таъмирталаб ҳолатда. Аксарият хўжалиқларнинг раҳбарлари ҳамон ишлаб чиқариш режаларидан бошқа нарсани ўйламаётдилар. Ёшлар спорт ёки маданий масканлар ҳақида гап очилса, маблаг йўқлигини баҳона қилишади. Бу билан улар кўп нарсани йўқотишаётганлигини сезишмаётди. Аниқроғи, ўз эътиборсизликлари, совуқонликлари билан ёшларни барқамол инсонлар этиб тарбиялаш ишига муайян маънода салбий таъсир ўтказмоқдалар. Ҳақли савол туғилди: қишлоқ жойларида саноот корхоналари етарли бўлмаса, хизмат соҳаси таррақий топмаса, ёшлар нима қилиши керак? Ишсиз, бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай, ҳеч қарга сизмай қолган ўсмирлар ярамас оқимлар таъсирга берилишлари мумкин-ку, ахир. Бу барчани ўйлантириши, тегишли ҳулосалар чиқаришга ундаши лозим.

Темир ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч» бoнг уради

БОЗОР ХЎЖАЙИНИ ПАТТАЧИМИ?

Бозорсиз шаҳар ёки туман йўқ. У тўқин ёки ночор эканлигига қараб, шу ҳудуддаги аҳолининг қанчалик фаровон яшаётганига аниқ баҳо бериш мумкин. Шу нуқтаи-назардан ҳам бозорлар фаолиятини қатъий тартибда ташкил қилиш, дехқонларга қулай шaroитлар яратиш бериш муҳим аҳамият касб этади. Лекин ҳаётта бунинг акси кузатилаётган жойлар ҳам мавжуд. Масалан, воҳадаги барча бозорларга хос камчилик, бу - маҳсулот сотиладиган расталарнинг етишмаслиги. Туман ва қишлоқларда жойлашган бозорларда эса тоза ичимлик сувининг мавжуд эмаслигидир.

Туман ҳокимликлари, хўжалик раҳбарлари «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш туттишапти. Баъзи бозорларда умуман расталар қўрилмаганига нима дейсиз?

Утган йилнинг ноябринда вилоят, шаҳар, туман Давлат солиқ инспекцияларининг ҳодимлари Республика Президентини Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришнинг тартибга солиш чора-тадбирлари

марказий дехқон бозори вилоятдаги энг гавжум савдо-сотиқ марказларидан. Хўл мевалар растаси паттачиси Худойкулов томонидан бир кунда 1,6 минг сўм, гўшт растасида Саидов томонидан 6,1 минг, тарози паттачиси Холмирзаев томонидан 3,1 минг сўм паттаж пуллари йиғилмай қолган. Агар бу рақам бир йилга кўпайтириладиган бўлса, кўп нарсани ойдинлашади. Уларнинг ўз вазифаларига панжа орасидан қарашлари бозор маъмурияти, қолаверса давлат манфаатларига қанчалик катта зарар етказаятганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Термиз шаҳридаги «Карпов» тижорат бозорида вилоят Давлат солиқ бошқармасининг

ҳодимлари ажабтовур ҳолатнинг устидан чиқариш. Бозорга кириш учун чипта таркатуви Ҳабиба Холназарова ўрнида бозор маъмуриятига умуман алоқаси бўлмаган Гулноза Холназарова ишлаётган эди. Бундай ҳолатлар Жарқўрғон туман бозорларида ҳам мавжуд. Туман марказий бозори мева-сабзавот растаси паттачиси А.Хўжаев томонидан бир кунда 1,5 минг, бир ойда 45 минг, йил давомида эса 540,0 минг сўм, полиз маҳсулотлари паттачиси Х.Мухаммадиев томонидан ўртача бир кунда 0,9 минг, бир ойда 27 минг, бир йилда 324,0 минг сўм патта пуллари йиғилмаган. Жарқўрғон мол бозори паттачиси К.Холмурадov томонидан эса бир

йилда 1401,6 минг сўм патта пулининг йиғилмай қолгани аниқланди.

Баъзи бозорларда паттачилар тегишли тўлов пулини оладиларда, уларини ҳеч нарсани билмагандек қилиб кўрсатиб, патта қoғoзини беришмайди. Бундай ҳолатни солиқчилар Шўрчи туман ОТХЖнинг транспорт воситалари тўғташ жойи паттачиси О.Эргашевнинг «фаолиятда кузатишди. Текшириш ўтказилганда унинг газнасида 480 сўм, Ангор туман бозори паттачиси Ж.Амиров газнасида 3260 сўм камомат, М.Хайитовнинг газнасида эса 2000 сўм ортиқча пул борлиги аниқланди.

Вилоятдаги бозорларда томир ёзган иллардан яна бири —

тош-тарозининг етишмаслигидир. Бундан харидорлар ранжиса-да, лекин баъзи сотувчиларга шундай етишмовчиликлар кўл келмоқда. Чунки, бу нарсаларга ностандарт тарозидан бемалол фойдаланиш имконини беради. Масалан: Сарюсий туман бозоридаги 37 та тарозидан 3 таси ва 143 та турли тошлардан 68 таси, Шарғун шаҳридаги «Биноқор-С» фирмасыга қарашли дехқон бозорида 10 та тарози, 35 та тош ностандартлиги учун талабга жавоб бермади.

Тош-тарозилар етишмаслиги оқибатида Термиз шаҳар бозорларида 56 нафар, Денов туман бозорида 24, Термиз туман бозорида 11, Шўрчи туман бозорида 50, Сарюсийда 14, Олтинсўй туманида

91, Ангор туманида эса 89 нафар фуқаролар белгиланган мейёрларга зид бўлган тарозилардан фойдаланмоқда эдилар. Аксарият бозорқўрғонларнинг зўр бериб тасдиқлашларида тош-тарози олиш учун маблаг йўқ эмиш...

Қисқаси, бозорлардаги салбий кўринишларнинг бир қисми билан танишар эканмиз, ҳаёлимиздан шундай фикр кечади: воҳа бозорларида паттачилар хўжайинми?! Нима учун улар патта пулларини ўз вақтида йиғиштириб, давлат бюджетига тоширмайдилар. Ёки бу ерда биз билмаган бошқа «сир-асрорлар ҳам бормикими?!

Раҳматулло САТТОРОВ, Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи, Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат!

Эзгу ишларга бош-қош бўлишни қалб мулкига айлантирган саховатпешалар кўп. Тадбиркор Турсунали Қорабоев ҳам ана шундай кишилар сирасига киради.

Яқинда Мирзаобод тумани тадбиркорлари бирлашиб меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан тўрт нафарининг суннат тўйини ўтказишди. Сарф-харажатнинг асосий қисмини Турсунали Қорабоев ўз зиммасига олди. Шу ерда у билан мулоқотда бўлдик, ишлари билан яқиндан танишдик. Кечагина ўз даласи, пахтадан бошқа ҳеч нимага қизиқмаган оддий деҳқоннинг фикрлаши ақли дол қолдиради. Бугун у кечаги ижрочи, қаёққа етакласанг кетаверадиган дала қоровули эмас. Балки ўз ҳуқуқини теран англаб етган, халқ манфаати, Ватан тараққиёти йўлида куйиб-пишаётган асл ишбилармон.

— Йигирма йил пахтачилик бригадасида етакчилик қилдим, — дейди Турсунали ака. — Қориндан ноланган жойимиз йўқ. Аммо фақат ана шу ташвиш билан яшаб бўлмастганини энди англаб етдик. Мустақиллик нафақат эрк берди, балки онгимиздаги кишанларни ҳам парчалади. Ўзлгимизни англади. Ҳар бир одам жамиятнинг муҳими бир мурвати эканлигини ҳис этдик. Турсунали Қорабоев

МАКТАБ ЖОНКУЯРИ


топганини тугунлаб, сандиққа йиғадиганлар хилдан эмас. Рўзгордан ортганини ҳамқишлоқлари билан баҳам қўришга одатланган. У Фозил Йўлдош номли 17-мактабни оталиққа олган. Энг аълочи ва жамоат ишларида фаол ўқувчиларга ўқув йилнинг ҳар чорағида минг сўмдан мукофот пули бериб боради. Мукофот олувчи ёшлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётти. Энг изланувчан, янгиликка ўч ўқувчилар ҳам аниқланиб, уларнинг ҳар бири олти минг сўмдан рағбатлантирилмоқда. Мактабдаги ўндан ошиқ кам таъминланган оилалар болаларига ўқув дарсликлари ҳам соҳоватпеша маблағига олиб берилган. Қишлоқ боғчаси фермер ҳўжалигида етиштирилаётган арзон баҳодаги сут маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб келинмоқда.

лар сут-товар фермасини ким ошди савдосига кўйиб сотишдан ўзга чора топа олмадилар. Турсунали шу нол-чор тармоққа харидор бўлди. «Эсингни йиғ дейишди, ошна-оғайнилар. Ферманни тиклаб бўлмайди. Тинчгина ўз ерингда деҳқончилик қилиб юравермайсанми?» таъкидлади яна кимдир. Аммо Турсунали ўз фикридан қайтмади. У 1998 йил октябр ойида 5 миллион 900 минг сўм кредит олиб сут-товар фермасини сотиб олди. Унга афтодаҳол молхоналари 59 бош эти устакхона ёпишган қорамолни топширишди. Ўтган йили астойдил ишлашга тўғри келди. Қарзларни тўлиқ узди. Ҳатто қорамоллар бош соини 64 бошга етказди. 20 бош согин сизирга эга бўлди. Фикр қилиб кўрса, муаммага даромад ҳам қилибди.

дан бўлди. 30 гектар май-ким ошди савдосига кўйиб сотишдан ўзга чора топа олмадилар. Турсунали шу нол-чор тармоққа харидор бўлди. «Эсингни йиғ дейишди, ошна-оғайнилар. Ферманни тиклаб бўлмайди. Тинчгина ўз ерингда деҳқончилик қилиб юравермайсанми?» таъкидлади яна кимдир. Аммо Турсунали ўз фикридан қайтмади. У 1998 йил октябр ойида 5 миллион 900 минг сўм кредит олиб сут-товар фермасини сотиб олди. Унга афтодаҳол молхоналари 59 бош эти устакхона ёпишган қорамолни топширишди. Ўтган йили астойдил ишлашга тўғри келди. Қарзларни тўлиқ узди. Ҳатто қорамоллар бош соини 64 бошга етказди. 20 бош согин сизирга эга бўлди. Фикр қилиб кўрса, муаммага даромад ҳам қилибди.

Хозир фермада 1 ҳайдов, 3 та транспорт трактори, 4 тележка мунтазам ишланмоқда. Бу ишлар фақат си-

Анорбой НОРКУЛОВ, Нурилла ШАМСИЕВ.



Суратда: корхона тикувчиси Замира-хон Фозилова. Бахтиёржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат

ФЕРМЕРЛАР ТАШАББУСИ

Куйи Чирчиқ туманидаги тадбиркорлар ёрдамга муҳтож оилаларни оталиққа олишга қарор қилишди

Фидокор халқимиз ўзининг саховатпешалиги, бағрикенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай инсонлар Куйи Чирчиқда ҳам оз эмас. Куйи кеча бу ердаги тадбиркорлар ажайиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар ёрдамга муҳтож оилаларни оталиққа олишга аҳд қилганликларини маълум қилдилар. Биринчи бўлиб хайрли ҳаракатни «Жамол», «Жо-нибек», «Хожияқбар» фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлашди. Шунингдек, тумандаги корхона, ҳўжалик ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари ҳам савобли ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиш ниятидандир.

оилага керакли неъматлар ажратди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериш фаолиятимиз мезонига айланган, — дейди туман ҳокими Ж.Файзиев. — Фермерларимиз бошлаган ташаббус кенг оммалашмоқда. Шу баҳона кўп миллатли кишиларимиз ўртасидаги меҳроқибат тобора кучайиб бормоқда. 340 нафар пенсионер, мададга муҳтож оила ҳолдан мунтазам хабар олинмоқда. Агар Куйи Чирчиқда 300 нафардан ортиқ фермер ва тадбиркор борлиги ҳисобга олинса, хайрли ҳаракат янада кенг қулоч ёйишига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Ф.ЗОКИРОВА.

Ислоҳот меваси

Пскент туманидаги Ўзбекистон — Чехия «Каноп» қўшма корхонаси юртимизда ташкил қилинган ажайиб қўшма корхоналардан биридир. 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур корхонада бугунги кунда турли миллат кишилари унумли меҳнат қилишмоқда.

ОНГЛИ ИНТИЗОМ

— ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

лан суҳбатда бош директор Ваҳобжон Мирзатиллаев. — Ўтган йили 93 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардик. Олинган соф даромад қатор хайру саховат ишларини ҳам амалга оширишга сарфланмоқда. Жумладан, тумандаги Низомиё номи мактабни оталиққа олганми. Бундан ташқари, қариялар ва меҳрибонлик уйлари ҳам мунтазам ёрдам бериб келаямиз. Шу кунга қадар 168 минг сўмлик хайрия ишларини амалга оширдик.

Бундай яхши амалларнинг баҳарлишига ҳам, ишловчиларнинг турмуш тарзи, иш шарафларини яхшилашга ҳам корхона эришяётган ютуқлар асосий омили бўлмоқда. Бу ютуқларнинг гарови эса омилик, ҳамжихатлик, «Каноп» қўшма корхонасининг барча асбоб-ускуналари асосан чет элдан келтирилиб ўрнатилган. Хозирги кунда пахта саноати учун зарур бўлган брезент, қўлқоп ва маҳсус иш кийимлари ишлаб чиқарилаётган. Ақмал АЛЛАМУРОВОВ.

КАСАБАҚУМДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

Касаба уюшма ташкилоти раҳбари қандай бўлиши керак? У давр талабини англаб ета олаётганими? Иқтисодий, ҳуқуқий билими, тажрибаси етарлими?

Кўми та раисларининг Сирдарё вилоят касабаси уюшмалари кенгашида бўлиб ўтган икки кунлик ўқувда шунга ўхшаш бир қанча саволларга жавоб топилди.

Унда меҳнат муҳофазаси, шартнома ва битимлар аҳамияти, меҳнатқашларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда ташкилот ўрни, ижтимоий сугурта бюджетни назоратини ташкил қилишга доир маърузалар тингланди. Бир қатор ташкилотларнинг бу борадаги ютуқлари ўрганилди.

— Икки кунлик ўқув раисларимизга жуда кўп нарса берди, — дейди вилоят касабаси уюшмалари кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири П.Дўстматов. — Улар ўзларининг жамоада тутган ўринларини яна бир қарра чуқур ҳис этдилар. Энг муҳими, бой билимга эга бўлишди. Ўқув иштирокчилари учун кўргазмалар тарғибот воситалари, қўлланмалар тақдим этилди.

ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кўмитаси шаҳар, туман ва ўқув юртлари касабаси уюшма кўмиталари раислари, бош ҳисобчилари, таълим муассасалари раҳбарлари учун ўқув семинарлари ўтказди. Унда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекс», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» тўғриси-

даги қонунларида кенг тушунча берилди. Шунингдек, семинарда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш борасида маъмурият билан касабаси уюшмалари ўртасида жамоа шартномаларини тузиш йўли-йўриқлари, ижтимоий сугурта ҳамда тушумларни тўғри сарфлаш масалалари муҳокама этилди.

Э.КАРИМОВ, Таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кўмитаси раиси ўринбосари.

Бозор иқтисодиёти шароитида уддабуронлик, ақлу заковат уйғунлашгандагина муваффақиятга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатаётти. Афсуски, айрим раҳбарларнинг ношудлиги корхоналарни ночор аҳволга солиб қўймоқда, меҳнатқашлар манфаатларига путур етказмоқда. Вилоят прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 феврал мажлисида ўртага қўйилган талаблар асосида текширув ўтказганда, бир қатор қурлиш ташкилотларида жиддий қонун бузилиши ҳоллари маъжудлиги маълум бўлди. Хозир вилоятда 218 та қурлиш ташкилотлари бўлиб, уларнинг 142 тасини акциядорлик жамиятлари ташкил этади. Бу эса иқтисодий фаолият эркинлигига эгаллик демакдир. Қурилиш соҳасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ҳодимлари томонидан мулкни талон-тарож қилиш, ўзлаштириш каби ҳолатлар содир этилган. Оқибатда корхона ночорлашиб, ишчи-хизматчиларга иш ҳақлари тўланмай қолган. Аниқроқ айтганда, «Самарқандқоғозқурилиш» трестига қарашли 12 та, «Бунёдкор» жамоа корхонасига қарашли 8 та, «Ургутагроқурилиш» трестининг 7 та, жами 48 та қурилиш ташкилотининг ҳар бирида 1999 йилда 500 минг сўмликдан кам (1991 йил нарҳларида) ҳажмдаги пудрат ишлари бажарилган, холос. Бу низоҳатда паст кўрсаткичдир.

риши оқибатида корхонада 122.393 сўмлик электр ускуналар ўзлаштириб юборилган. Раҳбарнинг бундай тутуми бошқаларнинг қўлини қўлга олишга сабаб бўлган. Шу тарихи 1998-1999 йиллар мобайнида корхона ишчиларининг 50 фои-

«Узқолхозпромтехэлектромонтаж» трестига қарашли Самарқанд туманидаги 286-маҳсус механизациялашган қўшма колонна бошлиғи И.Содиқов эса мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 1999 йиллар мобайнида корхона ишчиларининг 50 фои-

Хориж билан ҳамкорлик

2. Японияда ўн беш кун

Иш билан таъминланиш бўйича Япония дунёда олдинги ўринларда туради. Меҳнатга яроқли аҳолининг 4,1 фоизига ишсиз. Европа давлатларида эса бу кўрсаткич 5-10 фоиз атрофидадир. Ишсизлик 1997 йилга нисбатан 25 фоизга пасайганлиги шак-шубҳасиз, аввало кунчиқар мамлакатда иқтисодий ўсиш юз берганлигини ва на тиждада янги-янги иш ўринлари пайдо бўлганлигини билдириш билан бир қаторда япон касабаси уюшмаларининг таъсирчанлиги ортиб бораётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Илғор технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида одамлар бир хилда ва толиқтирувчи меҳнатдан халос бўлаётган, завод ва фабрикалар асосан малакали муҳандис ва ишчиларгагина таркиб топаётган бир пайтда ишсизликнинг бу қадар кўп эмаслиги сирини нимада? Бу аввало мамлакатда кичик ва ўрта бизнесга катта аҳамият берилганлиги, умуман ялғи ишлаб чиқаришнинг салмоқли улуши айнан митти корхоналар ҳисобига эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Биз учун ибратлиси, Японияда ҳар хил ҳолатлардан муҳофазаланиш, яъни ижтимоий сугурта намунаси йўлга қўйилганлигидир. Сугуртанинг бошқа жиҳатларини асло камситмаган ҳолда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан сугуртага биров тўхталсам. Дунёда саломатликдан катта бойлик йўқ, Эрталаб уйдан ўйнаб-қулиб чиққан ҳеч кимсанинг бошига мусибат тушмасин — кексаларимизнинг дуосида олам-олам маъно бор. Афсуски, ахён-ахёнда бўлса-да, бахтсиз ҳодисаларга ҳам дуч келиб тураемиз. Сабаблари эса турлича. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда икки сабабга кўра: корхона мутасаддиларининг «зиқнаглиги, яъни бу масалага лоқайд муносабати, ёки бўлмасам, ишчи-ҳодимларнинг бепарволиги, яна ҳам аниқроғи, техника хавфсизлигидан етарли даражада билмаслиги эга эмаслиги шундай кўнглик ҳодисаларни содир этади.

Японияда бу масалага гоят жиддий эътибор қаратилишининг шохиди бўлди. Ишлаб чиқариш турларида келиб чиққан ҳолда иш ҳақи фонднинг 0,6 фоизидан 13,4 фоизга қадар маблағ ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан сугуртага учун ажратилади. Техника хавфсизлиги қаттиқ назоратга олинган бўлиб, бу масаладаги «тежамкорлик» катта жарималар тўлаш билан тугагани ҳар бир жавабгар шахс яхши англайди. Катта корхоналарда эса ҳатто мустақил сугурта тизими фаолият кўрсатаёт-

тир. Энг муҳими, бу вазифа тармоқ касабаси уюшмалари зиммасига юклатилади. Винобарин, ҳар бир ишчи-ҳодимнинг нафақат ишлаш шарафити, шу билан бир қаторда, уларнинг шахсий ҳаёти учун ҳам касабаси уюшмалари масъулдир.

Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса ёхуд касал бўлиб қолиши ҳолларида даволаниш учун кетадиган сарф-харажатлар корхона-ташкilotлар томонидан тўланади. Бу эса умумий ўртача иш ҳақининг 60 фоизини ташкил этади. Пенсия ёхуд бир вақтнинг ўзига тўланадиган ёрдам пули эса олинган жароҳатнинг даражасидан чиқиб белгиланади. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугаган ҳолларда марҳумнинг оила аъзолари сонидан келиб чиқиб ўртача ойликча нисбатан 5,5-8,2 марта кўп миқдорда ёрдам пули берилади.

Табикики, бу ҳол техника хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳеч қандай даввога ўрин қолдирмаслиққа ҳаракат қилишни ҳам такозо этади. Чунки кечка калта ўйлаш натижасида тежалган пул эртага катта миқдордаги сарф-харажатларга сабаб бўлиши, энг ёмони, у ёки бу корхонанинг рақобат бозоридagi рейтингини тушиши билан

«Туркистон-пресс».

фирмаси ҳақида бундай фикрни айтиб бўлмайди. Фирма бугунги кун талаби асосида фаолият кўрсатиб, иш қўламини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириб бораёттир. Яқинда фирма томонидан вилоятда ягона бўлган терини қайта ишлаш цехи ташкил этилди. Шу муносабат билан фирма аҳоли, ширкат ҳамда фермер ҳўжалиқларидан чекланмаган миқдорда қорамол, қўй-эчки терилари қабул қилинмоқда.

Айни пайтда цехда терилар қайта ишланиб, ярим тайёр ҳолдаги чарм маҳсулотлари тайёрланмоқда. Фирма раҳбари Шарофиддин Турсунонинг айтишича, келгусида тикув цехи ҳам ташкил этилиб, эркак ва аёллар учун куртка, туфли каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Ё.ТУРДИЕВ, Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, адлия маслаҳатчиси.

риши оқибатида корхонада 122.393 сўмлик электр ускуналар ўзлаштириб юборилган. Раҳбарнинг бундай тутуми бошқаларнинг қўлини қўлга олишга сабаб бўлган. Шу тарихи 1998-1999 йиллар мобайнида корхона ишчиларининг 50 фои-

ИНСТИТУТДА ЯНГИ БОФ


Кейинги вақтларда Бухоро озиқ-овқати ва енгил саноат технологияси институтида Соғлом авлод йилли дастурига асосан ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Наврўз тадбирлари юқори савияда ўтди. Институт маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси ўртасидаги жамоа шартномасига асосан тадбир харажатлари учун 1 миллион 700 минг сўм маблағ ажратилди. Илҳумчи ва ишчи ҳодимларга маошига нисбатан 50 фоиз миқдорда, нафақахўр жамоа аъзоларига 1000 сўмдан мукофот, кам таъминланган 40 нафар талабалар-

га 1000 сўмдан ёрдам пули берилди. Шунингдек, факультетларда байрам дастурхонини тайёрлаш учун 300 минг, спорт ва санъат кўрикларига 40 минг сўм маблағ сарфланди. Ёлғиз бева ҳодимлар фарзандларига 3 ойлик боғча тўлови амалга оширилди. Бундан ташқари институт худуди ва унинг атрофида ободончилик ишлари амалга оширилди. Институт биносини ички ҳовлисида Наманган шаҳридан келтирилган гул қўчатлари ўтказилиб, боғ ташкил этилди.

Ш.ОЧИЛОВ.

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Газетамизнинг шу йил 25 феврал сонида босилган «Чирок ҳақида гапириниш жуда уст» сарлавҳаси мақолада Чирокчи туманига қарашли Аҳмад Яссавий номи жамоа ҳўжалиғи худудидagi Хардури қишлоғида ҳар кун кечки пайт электр чироклари ўчиб қолаётгани танқид қилинган эди. Шу муносабат билан Чирокчи тумани ҳокими ўринбосари И.Абдуғалповор тахририятимизга йўллаган жавоб хатида таъкидлашча, ушбу масала юзасидан ҳокимлик тегишли вазирлик ҳамда Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилган ва газета чиқиси вилоят ҳокимлиғидagi жиддий муҳокамага сабаб бўлган. Хозирги пайтга келиб, туман ҳокимлиғи билан электр тармоқлари корхонаси ўзaro тадбир ишлаб чиққани туфайли ҳолат яхшилانган. Шунингдек, тадбирда нафақат Хардури, балки туман худудида жойлашган барча қишлоқларда ҳам бундай камчиликнинг олдини олиш чоралари белгиланган.



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 17

ЎзТВ-1

Программа мусобаба билан Душанба, 17 апрел кун "Ўзбекистон" 1 телеканалда кўрсатилган соат 15.00да бошланади.
15.00 "Олтин тоғ". Телевизион уйини.
20.20 "Сув ости экспедицияси". Телесериал. 4-қисм.

ЎзТВ-11

Программа мусобаба билан Душанба, 17 апрел кун "Ўзбекистон" 11 телеканалда кўрсатилган соат 17.25да бошланади.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Янги авлод" почтаси, Мульт-томоша.

ЎзТВ-10

Программа мусобаба билан Душанба, 17 апрел кун "Ўзбекистон" 10 телеканалда кўрсатилган соат 15.00да бошланади.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ.

ЎзТВ-10

Программа мусобаба билан Душанба, 17 апрел кун "Ўзбекистон" 10 телеканалда кўрсатилган соат 15.00да бошланади.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ.

СЕШАНБА, 18

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

11.45 Таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 "Бешбармоқ". Тележурнал.
12.25 "Баҳорга гул либос ярашар". Мусликий дастур.

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЧОРШАНБА, 19

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.15 Кундузги сеанс: "Олти жаҳон-гашта" Бадийий фильм.

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

00.50 "Ахборот" (рус тилида)
1.15 "Тунингиз оуда бўлсин!"

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Опера санъати саҳифаларида".

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

Дамм "Қочинга йўл йўқ" фильмида.
00.45 "Ахборот" (рус тилида)
1.10 "Тунингиз оуда бўлсин!"

ЖУМА, 21

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Севиғи сурури". Мусликий дастур.

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

22.30 "Дил изхори".
23.00 "СНН-шоу".
23.15 Кинематограф. "Мададор рўх". Бадийий фильм.

ШАНБА, 22

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Музыка бўлади". Телевизион дастур.

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

21.25 "Экспрессив".
21.40 "Дил изхори".
22.10 "Ташриф".
22.30 "Дил изхори".

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ешлар" телеканалда спорт.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Уй вази-фаси".

ЎзТВ-11

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

ЎзТВ-11

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

ОТА-БОЛА ПОЛВОНЛАР

Мухиддиннинг ёшликдаги бирдан-бир орзуси етук спортчи бўлиш эди. Ана шу орзу уни С.Ай-нинг номидagi Самарқанд педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига етказди.

Еш Мухиддиндаги иқтидорни, педагогик қобилиятни сезган устозлар унга институтда қолиб ишлашни таклиф эттишди. Шу тариқа у олий даргоҳда гимнастика ва ёнгил атлетикадан талабаларга сабоқ бера бошлади. Кейинчалик янги ташкил этилган вилоят мактаб ўқувчиларининг «Еш куч» спорт жамияти раисининг ўринбосари бўлиб ишга ўтди. Унинг мураббийлик, ташкилотчилик қобилияти айнан шу ерда яққол намоён бўлди.

1979 йилда бевосита унинг раҳбарлигида Пахтакор туманидаги 1-ўрта мактаб ўқувчилари Республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Кувнок» турнири мусобақасида голиб чиқди. М.Пардакулов эса «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Мухиддин ака 1981 йилдан бошлаб касаба уюшмаларига қаралиб вилоят «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг раиси лавозимида ишлар экан, ўз эътиборини энг аввало касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбияни ривожлантиришга, спортнинг оммавий турларини тараққий эттиришга қаратди. Бунинг учун у тез-тез жойларда бўлиб, истеъдодли ёшларни излар, селекция билан шуғулланарди. Шу билан бирга турли беллашуларда ҳақамлик қилишга ҳам вақт топарди. Эркин кураш бўйича мусобақаларнинг доимий иштирокчиси эди у. Кўп ўтмай Мухиддин Пардакуловга республика тоифасидаги ҳақам унвони берилди.

Кўп вақтини шогирдлари билан ўтказган талабчан ва фидойи устоз бугун ёнгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони — олимпиячи Ноида ва Света Шокирова, Вера Тюмкина, Дмитрий Рейх каби шогирдлари билан ҳақамлик равишда фахрланади.

Эркин кураш бўйича мутахассис сифатида М.Пардакулов вилоят марказий ўйингоҳ залини спортнинг маъқур турига мослаштириш борасида кўп елиб-югурди. Мухиддин аканинг жонқуярлиги тез орада ўз самарасини берди. Ака-ука Равшан ва Рашид Салимовлар, Жаҳонгир Муродов, Отабек Пардакулов, Зоир Азимов, Равшан Холдоревлар ўз вазн тоифалари бўйича республика чемпиони бўлишди.

Эркин кураш бўйича мамлакат тарма жамоасининг аъзолари - Зоир Азимовнинг эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори, Отабек Пардакуловнинг ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида иккинчи ўринни, Равшан Холдоровнинг I Бутунжаҳон ўсмирлар Олимпиадасида 3 ўринни эгаллашлари ва Жаҳонгир Муродовнинг Марказий Осиё давлатлари биринчилигининг чемпиони бўлишларида устознинг ҳиссаси катта.

Оиладаги муҳит тез орада фарзандларда акс садо бера бошлади. Мухиддин аканинг тўнғич ўғли Отабек ота изидан бориб, эркин курашга меҳр қўйди. Тинимсиз ўтказилган машқлар, отанинг панду насихатлари, маслаҳатлари ўз мевасини берди. Отабек ўз вазн тоифасида 1993 йилдан буён Республика чемпионилигини кўндан бермай

келмоқда. Океан орти — Америка Қўшма Штатларининг очик чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаган Отабек 1997 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли катнашди.

Ота ва аканинг спортга бўлган меҳри иккинчи фарзанд — Алибекни ҳам катта спорт уммонига етказди. Даставвал у ҳам акаси каби эркин кураш билан шуғулланди, вилоят чемпиони бўлди. Аммо кейинчалик унда боксга муҳаббат уйғонди. Мактаб ўқувчиларининг вилоят спартакиадасида катнашиб, тилга тушди. У ҳозирги пайтда

спортнинг кўл жанги тури билан ҳам шуғулланмоқда. Энг қувонарлиси, ота ўғитилгани олган Алибек Соғлом авлод йилини Республика чемпиони бўлиш билан бошлади.

Оилада ота ва болалар ўртасида тез-тез мусобақа ўтказиб турилади.

Теннисда менинг олдимга тушадиган йўқ. Аммо кураш, югуриш ва сузишда фарзандларим ўтиб кетишмоқда. Қариб қолаётган, шекилли, — дейди табассум билан Мухиддин ака.

Хонадон бекаси, кўп йиллар касаба уюшмалари спорт жамиятида ишлаган Назира Каримова оилада энг олий ҳақам, дуоғуй она.

Уларнинг юзи Ватан олдига, эл-юрт олдига мудо ёруғ бўлишини, фарзандларимга фақат галаба ёр бўлишини тилаб ўтирарман, — дейди Назира опа.

Ҳа, Жиззах шаҳрида ана шундай олижаноб спортчилар оиласи истиқомат қилади.

Шавкат ЁҚУБОВ.

1999 йилнинг августида АКШнинг Хьюстон шаҳрида ўзбек бокс мухлисларининг чорак асрлик орзуси ушалади. Ватанимиз байроғи икки бор баланд ҳилпираб, мадҳиямиз баралла янгради. Бу қувончли воқеанинг сабабчиларидан бири Мухаммадқодир Абдуллаев эди. У мардонор олимни билтур Тошкентда, Осиё чемпионатида ҳам давом эттирди. Сидней Олимпиадасига саралаш вазифасини ўтаган маъқур беллашуларда унга тенг келадиган рақиб топилмади. «Туркистон-пресс» мухбири спортчимиз билан бокс оламидаги фаолияти ҳамда бўлгуси Олимпиада баҳсларига тайёргарлиги хусусида суҳбатлашди.

МУҲАММАДҚОДИР ОРЗУСИ СИДНЕЙДА УШАЛАДИ

— Боксдаги фаолиятининг илк босқичлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбек бокс юлдузи Рифат Рисқиев жаҳон чемпионлигини кўлга к

тижада финал баҳсида мўълисонлик рақибимиз имкониятини бой бериб, кумуш медал соҳиби бўлгандим. Олимпиада беллашувида ҳам омад мендан юз ўғирди. Шундан

СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

буён тинимсиз маҳоратини ўстиришга ва тажриба оширишга интилдим. Халқаро мусобақаларда тобланиб, юксак натижаларга эришиш натижаси ўлароқ, Сидней Олимпиадаси саралаш баҳслари нисбатан осонроқ кечди. Уйлайманки, Атлантадаги арманим Сиднейда, албатта, ушалади.

— Маълумки, Ўзбекистон боксчилари 10 та йўллангани кўлга киритиб, китъа пешқадам бўлишди. Бўлгуси Олимпиада баҳсларида ҳам оқори натижаларга эришиш учун қандай тайёргарлик кўрилайсиз?

— Осиё бокс мактаби сир-синоатлари бизга беш кўлдай аён. Шунинг учун мураббийларимиз Олимпиада арасида Европа, Америка, Африкада ўтказилаётган халқаро мусобақаларда катнашиб, уларга хос тажриба ва маҳоратни шакллантиришимизга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Рақибларимизнинг нозик томонларини ўрганиш, рингда кўтаринки руҳ билан ҳаяжонларсиз ҳаракат қилишимизда бунинг кўл келиши табиий. Шу маънода Туркияда ўтадиган халқаро мусобақа ҳамда Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон олимпиадачиларининг ўзаро ўртоқлик учрашувлари каби беллашувлар биз учун катта синов бўлади.

— Олимпиада финал баҳсида қайси давлат вакили сизга рўбарў бўлади, деб ўйлайсиз?

— Буни олдиндан айтиш қийин. Ҳар бир мамлакат вакили ўз имкониятини юқори баҳолайди. Шундай бўлсада, тахмин қилиш мумкин — кубалик ёки америкалик боксчи билан финалда учрашсам керак. Менинг вазим бўйича рингга чиқадиган россиялик, руминиялик, чехиялик, франциялик ҳамда германиялик чарм кўлқоп усталари ҳам жиддий рақиблардандир.

— Сир бўлмаса, ўзингизга хос жанг олиб бориш санъати ҳақида гапирсангиз.

— Рингда рақибим ким бўлишдан қатъи назар, унга ҳурмат билан қарайман. Унинг зарбалардан темир қалқондек ҳимояланиш усулига эътибор. Яқин масофадан жанг олиб бориб, қутилмаган зарбалар билан гангитиш пайида бўламан.

— Келажакдаги ниятларингиз?

— Биринчи галдаги мақсад, Сидней Олимпиадасида Ватанимиз байроғини юқори кўтариб, фақат олтин медал учун бел боғланганман. Таъкидлаш жоизки, бу йўлда бизга хар томонлама хайрихоҳлик билдираётган Давлатимиз ҳамда федерациямиз раҳбариятига боксчилар номидан миннатдорчилигимизни изҳор этаман. Сиднейда уларнинг ишончини оқлаб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишга астойдил ҳаракат қиламан.

Бизнинг маълумот:
М.Абдуллаев 1973 йил 15 ноябрда Андижон вилоятида туғилган. Мухаммадқодир ака ва Махфиратхон аянинг ёлғиз ўғли. Уйланган, икки қизнинг отаси.

Боксда эришган ютуқлари: Республикаларимизда ўз вазн тоифасида кўп марта чемпионлик нашидасини сурган. Олимпиада, Осиё, Жаҳон чемпионати ва Кубоги баҳслари иштирокчиси. Туркия ва Эрон халқаро турнирлари голиби. Осиё чемпионатининг олтин ва кумуш медаллари соҳиби. Руминия ва Франциядаги халқаро беллашуларда энг яхши натижага эришиб, икки бор «Олтин камарни» кўлга киритган. Таиланд Қироли ҳамда Хитой Кубоги мусобақаларида энг яхши боксчига бериладиган Жубок соҳиби, ўтган йили эса Жаҳон чемпиони ва мамлакатимизнинг энг кучли спортчиси номига сазовор бўлган.

«Туркистон-пресс»

МОТОПОЙГА МУСОБАҚАСИ

Жиззахдаги Наврўзбулоқ трассасида мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятларидан келган мотопойгачилар билан бирга Қирғизистон ва Туркманистон спортчилари ҳам катнашди.

Мусобақа якунига кўра, Зарафшон марказий кон бошқармаси мотопойгачилари биринчи, Навой кон-металлургия комбинати спортчилари иккинчи, Тошкент вилояти Қибрай тумани бирлашган техника мактаби жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Бозор ихлоқотлари илмий-тадқиқот институтида ходимларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишига катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда институт қошида «Аспирант» номида ҳаваскор футбол жамоаси тузилди. Асосан илм даргоҳининг ёш тадқиқотчилари — аспирантлардан ташкил топган жамоани тузишда илмий ишлар бўйича директор муровини, иктисод фанлари номзоди Тоҳиржон Мамадалиев бош-қош бўлди.

«АСПИРАНТ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

— Асосий мақсад ходимларимизнинг бўш вақтларини маъмурий ўтказиш, — дейди Тоҳиржон ака. — Қолаверса, саломатликка нима етсин. Ахир, «Соғ танда - соғ ақл» дея бежиз айтишмайди-ку.

Ҳа, институт раҳбарияти «Соғлом авлод йили»да спортнинг оммалашуви учун катта ишларни амалга ошираётир. Миллионлар севган ўйин - футбол билан шуғулланиш, ҳаваскор футбол жамоасини тузиш ана шу ишларнинг кичик бир дебосчаси, холос. Айни кунларда институтда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг волейбол билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиб боради муайян ишлар амалга оширилмоқда. «Аспирант»га эса институт касаба уюшма кўмитаси имкон қадар ёрдам қилини чўзмоқда. Шунингдек, бир қатор хусусий фирма раҳбарлари ҳам жамоани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятида.

Бири нечта ҳаваскор жамоалар билан учрашувлар ўтказган «Аспирант»нинг орзу-ниятлари, режалари янада улкан.

Замира ЖУМАНОВА.

ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙИ



Шу йилнинг 6-7 апрел кунлари Ливан пойтахти Байрутда Осиё футбол Конфедерацияси (ОФК)нинг конгресси бўлиб ўтди. Унда 1999 йил янгалари муҳокама қилинди. «Энг яхши ўйинчи», «Энг

яхши ёш ўйинчи», «Энг яхши жамоа», «Энг яхши ёшлар жамоаси», «Аёллар ўртасидаги энг яхши жамоа», «Энг яхши аёл ўйинчи» — Осиё лауреатлари аниқландилар. Ўзбекистон миллий тарма жамоаси бош му

раббийи, марҳум Махмуд Раҳимов «1999 йилнинг энг яхши мураббийи» (суратда) деб топилди. Конгрессда ОФК ижроия кўмитаси ҳамда ФИФА апелляция кўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси

Футбол федерацияси бош котиби З.Қурбонов катнашди. Мукофотларни ОФК бош котиби Питер Веллан топширди.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ЭЪТИРОФ

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида икки карра Олимпия чемпиони, жаҳон чемпиони, Жаҳон кубоги совриндори, Жаҳон-универсиадаси голиби, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, ёшлар мураббийи, волейболчи Вера Дуюновани шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов Вера Дуюновани табриқлар экан, Ўзбекистон ўзининг машҳур спортчиси билан фахрланишини, у нафақат спортдаги ютуқлари, балки чин инсонийлик фазилатлари билан мамлакатимиз ташқарисида ҳам эътибор қозонганини айтиб ўтди.

Вера Дуюнованинг ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари унинг аниқ бир мақсадга интилувчанлигини, олдига қўйилган мақсадга эришишдаги собит иродасини ва Ватанига бўлган муҳаббатини таъкидлаб ўтди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Миллий Олимпия кўмитаси, спорт федерациялари, пойтахт халқ таълими бош бошқармаси Вера Дуюновага қимматли эсдалик совғалари тақдим этди.

МИНТАҚАВИЙ САРАЛАШ ТУРНИРИ

стон ва Тожикистондан биттадан шахматчи катнашадиган маъқур нуфузли беллашуларда Ватанимиз шарафини беш нафар тажрибали шахматчиларимиз ҳимоя қилишмоқда.

Ҳозирча уч учрашувдан 2,5 очко тўплаган О.Аннагелдиев пешқадамлик қилаётган бўлса, ҳамюртларимиз А.Ненашев ва М.Жумаев ҳамда Қозоғистон вакиллари Е.Владимиров ва П.Кошурлар ҳисобида эса 2тадан очко бор.

МУРАББИЛАР МАЪБИРИ

КҮЙ (21.03-21.04). Ҳаёт доимо қувончу шодликлардан иборат эмас. Илгирги ҳафтадаги ютуқларингиз ҳамда хушқайфиятингизга душман ва сешанба кунлари рўй берадиган кўнгилсизликлар пича соя ташлайди. Шундан сўнг ахвол дарҳол яхши томонга ўзгаради. Омад сиз томонда бўлади.

БУЗОК (22.04-20.05). Ҳафтанинг дастлабки уч кунда хушхабарлар тинглашингизни инobatга олганда қайфиятингизни кўтарадиган бирон жиддий воқеа рўй бермайди. Пайшанба кунини ҳаминингиз пул тўлади. Қолган кунларда муваффақиятли битимни тузасиз. Ҳордик чикарасиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06). Каломни яхши маълумотдан бошлайлик. Яхши ният билан

бошланган ишларингиз ўнгидан келади. Маблағингизга маблағ қўшилади. Фақат ҳафтанинг душанба, чоршанба ва шанба кунлари таваккалчилик қилишдан ўзингизни тийишингиз, сихат-саломатлигингиз хусусида қайғуришингиз муҳим. Яқшанба кунини оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07). Ҳафта сиз учун ёмон ўтмайди. Сешанба кунини хушхабар эшитасиз. Пайшанба ва жума кунлари ҳаминингизда мўмай даромад бўлади. Шундай бўлган, жума кунини кўнглингизга мос харидлар қиласиз. Ва яқшанба кунини хушқайфият билан дам олмасиз. Фақат чоршанба кунини сиз учун унчалик муваффақиятли кун бўлмайди.

АРСЛОН (23.07-23.08). Чоршанба кунинида пулнингиз анча кўпайиб қолишдан умидвор бўлишга ҳақлисиз. Сўнг пайшанба кунини яхши харидлар қиласиз. Ҳафта сиз учун жуда яхши эзгуликлар келтиради, хушхабар эшитасиз.

ПАЗИВОҚ (24.08-22.09). Ойнинг ўн бешини ёруғ, ўн бешини қоронғу деганлардай тақдир сизнинг бардошингизни яна бир бор синовдан ўтказиш-

га жазм қилади. Бу ҳолат мана шу ҳафтанинг жума кунига қадар давом этади. Шундан кейин яхши кунлар бошланади. Барча ишларингизни ана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда режалаштирганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафтанинг дастлабки кунинида сал тобингиз қочиши мумкин. Сешанба кунини яхши хабарлар қулгонингизга етиб келади. Пайшанбада пулингизга пул қўшилади. Ҳафта ниҳоясидаги қўшалок қун муҳаббат бобида қулай.

ЧАЁН (23.10-22.11). Ушбу бурж остида таваллуд топганларга юлдузлар куйидагиларни ваъда этмоқда. Душанба - амалий музокаралар учун қалай. Сешанба ва чоршанба можароли ҳолатларга дуч келишдан сақлангиз. Пайшанба пул тушадиган кун. Жума барча хайрли ишлар учун маъқул кун. Шанбада яхши хабарлар эшитасиз. Яқшанба - дам олиш учун қулай.

ЎКОТАР (23.11-21.12). Ҳафта сиз учун муваффақиятли, амалий учрашувлар билан бошланади. Шунингдек жума ва яқшанба ҳам яхши

кунлар. Чоршанба, пайшанба ва жума кунлари эҳтиёт бўлиб юрганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Аёнки ўтган ҳафтанинг сўнги кунлари сиз учун омадли бўлади. Энди душанба кунини жароҳат олишдан сақлангиз. Чоршанба кунини яхшигина даромадга эга бўласиз. Пайшанба кунини хушхабар эшитасиз. Жума кунини хайрли кун. Шанба дам олишга, яқшанба харид қилишга қулай.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Пайшанба кунига қадар ишларингиз ўнгидан келади. Пайшанба ва жума кунлари можароли вазиятга тушиб қолишдан огоҳ бўлинг. Шанба амалий учрашувлар ўтказиш учун қулай.

БАЛИК (19.02-20.03). Ҳафта унчалик кўнглин бошланмаганлигиндан, яъни душанба кунини алдини қилишингиз мумкинлигидан унчалик ранжиманг. Қолган кунлар аёло даражада бўлади. Хусусан пайшанба ва жума кунларини айтмайсизми. Айни ана шу кунларда ҳаминингиз жарақ-жарақ пул кўради. Ҳафта эса қўтлуғ кун билан якун топади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютердан терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00.